

Барча вилоятларда қориларни саралаш тадбирлари ўтказилмоқда



17:14 / 17.02.2025 1171

2025 йилги муборак Рамазон ойида Республикамиз масжидларида хатми Қуръон тадбирларида иштирок этувчи қориларни саралаб олиш мақсадида барча вилоятларда суҳбатлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, бугун 2025 йил 17 февраль куни «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» мажмуасининг мажлислар залида Тошкент шаҳридаги масжидларда хатмга ўтадиган қорилар суҳбатдан ўтказилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси «Қуръон ва тажвидни ўргатиш» бўлими мудирини шайх Алижон қори Файзуллоҳ Маҳдум бошчилигидаги устозлар мазкур қориларнинг тайёргарлигини текшириб, уларга керакли тавсияларни бердилар.

